



Tadqiqot.uz

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

**SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK
VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING
MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA
ISTIQBOLLARI**

**10-NOYABR
2021**

BUXORO, UZBEKISTAN

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

SOHA LINGVISTIKASI:
TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT
INTEGRATSIYASINING
MUAMMOLARI, YECHIMLARI
HAMDA ISTIQBOLLARI
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari

Buxoro, 10-noyabr, 2021-yil

© Tadqiqot.uz

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

BUKHARA STATE UNIVERSITY

**LINGUISTICS OF DIFFERENT
FIELDS:
PROBLEMS, SOLUTIONS AND
PROSPECTS OF LINGUISTICS
AND MEDICAL INTEGRATION**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

Bukhara, November 10, 2021

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

**ОТРАСЛЕВАЯ ЛИНГВИСТИКА:
ЗАДАЧИ, РЕШЕНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ
ЛИНГВИСТИКИ И
МЕДИЦИНСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

Бухара, 10 ноября 2021 г.

© Tadqiqot.uz

“Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.–Buxoro: Tadqiqot.uz, 2021.

Buxoro davlat universiteti O`zbekiston Respublikasi oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, O`zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligi, O`zbekiston Respublikasi sog`liqni saqlash vazirligi, O`zbekiston Respublikasi tadqiqot.uz. markazi, Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti bilan hamkorlikda “Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya o`tkazdi.

O`zbek, rus, ingliz tillaridagi mazkur konferensiya materiallarida tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g`oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari; o`zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat; tibbiyot ta`limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi; tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi; amaliy filologiyani rivojlantirish kabi mavzular doirasida mulohaza yuritilgan.

Mas`ul muharrir

**filologiya fanlari doktori,
professor Abuzalova M.Q.**

Taqrizchilar

**filologiya fanlari nomzodi,
dotsent Nazarova S.A.**

**filologiya fanlari nomzodi,
dotsent G`aybullayeva N.I.**

**tibbiyot fanlari doktori (PhD),
dotsent Ixtiyarova G.A.**

**To`plovchi va nashrga
tayyorlovchi**

**pedagogika fanlari nomzodi,
professor Yuldasheva D.N.**

Mazkur to`plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma`lumotlar hamda bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o`zlari mas`uldirlar.

© Buxoro, Tadqiqot.uz, 2021

электрон платформасини яратиш соҳавий терминлар – “Тиббий эвфемизмлар луғати”, “Тиббий перифразалар”, “Тиббий лексика метафоралари” луғати, электрон луғатлар, электрон дарсликлар, уларнинг мобил иловаларини яратиш заруратини юзага келтирмоқдаки, бу яратилажак ўзбек тили миллий корпуси учун ҳам ғоят муҳим ва аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abuzalova M., G'aybullayeva N. (2021) Peculiarities Of The Integration Of Linguistics And Medicine. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*. Volume 27, Issue 1, Pages 828-832. https://cibg.org.au/article_7795.html.
2. Антуан де Сент-Экзюпери. [Планета людей](#) (Нора Галь таржимаси). 1963. – Б. 37.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003. – 568 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. –671 б.

Алишер Навоий тиб илми ва табиблар ҳақида

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович*

10.5281/zenodo.5685733

Аннотация. Алишер Навоий тиб илми ва табиблик касбига катта эҳтиром билан қараган. Улуғ мутафаккирнинг шифокорлик касбига қарашли ўзининг замонавий мазмуни, барча даврларда ўз қимматини йўқотмаслиги, қўйилган масалага жиддий, холис, воқеий муносабати билан инсоният илмий-бадий тафаккури тарихида алоҳида ўрин эгаллаши мақолада асослаб берилган. Муаллиф Ҳазрат Алишер Навоий тиб илми ва шифокор ҳақида қарашларининг моҳиятини, ғоявий асосларини халқпарварлик, юртсеварлик, одамийлик тамойиллари ташкил қилишини ҳамда улуғ мутафаккир фикрлари ҳаётий ғоялар заминида илдиз отганлигини теран далиллаган.

Таянч сўзлар: *тиб, илм, табиб, ҳаким, даво, образ, билим, тажриба, пок, раҳмдил, ҳаёли, хушфёъл, хушқилиқ, шафқат, марҳамат, футувват, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Исо, Хизр, талмиҳ, ташбиҳ, ҳуқуқшунос, вазир, эл, мулк, ҳуқуқ*

Ҳазрат Алишер Навоий насрий асарларида ўз замонасининг машҳур ҳакимлари, моҳир табиблари номи юксак меҳр ва эъзоз билан тилга олинади. Мавлоно Қутбиддин, Мовлоно Алоул-мулк, Паҳлавон Муҳаммад Куштигир, Мавлоно Абдуссалом Шерозий, Мавлоно Абдулхай, Ғиёсиддин Азиз, Мавлоно Шамсуддин, Мавлоно Нуриддин улуғ мутафаккир назарига тушган хозик табиблардир.

* Бухоро давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.доктори s.a.hayitov@buxdu.uz

Ўз вужудида дарвешлик, ҳофизлик, бастакорлик, шоирлик истеъдодини мужассам этган, Алишер Навоий замонасининг машҳур паҳлавони, XV аср Хуросон жавонмардларининг пешвоси Муҳаммад Куштигир ҳақида улуғ шоир ёзади: “Яна тибб ва ҳикматга кўп мулоямати бор эрди” [Навоий, 1999: 111]. Алишер Навоий талқинича, инсоннинг табиати ўзи шуғулланаётган касбга уйғун бўлиши зарур. Хунарманднинг феълү атвори унинг кунлик машғулоти ички мазмуни билан мувофиқ келмас экан, нечоғлик моҳир бўлмасин, у эл назарига тушмайди ва соҳасида муваффақият қозона олмайди. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»дан кўчирилган иқтибоснинг дастлабки сўзларидан аён бўлаётирки, куштигирнинг мизожида табиблик касбининг туб маъноси билан уйғунлик бор. Унинг таъби – «тибга мулойим». Шунинг учун ҳам замонасининг беназир шифокорлари табобат касбига оид баҳсу мунозараларда Паҳлавоннинг мулоҳазаларини сўзсиз қабул қилишган. Асрнинг ҳозик табиблари унинг даволаш усулларини васф қилганлар: «... ва доим бу фан баҳсида ва гуфту шунуфтида алар Паҳлавон сўзларин мусаллам тутиб, муолажаларин ҳам таъриф қилур эрди ва асҳобдин ҳар қайсиға мараз тори бўлса эрди, кўпи ул эрдиким, ўзи муолажа қилур эрди» [Навоий, 1999: 111].

Ватан ва халқ тақдирига кучли масъулият билан қараган улуғ мутафаккир тиб илми ва табиблик касбининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ғоятда чуқур ҳис қилган. Шунинг учун ҳам ўз ижодидан ижтимоий тоифаларнинг таърифига кенг миқёсда ўрин берган адиб “Маҳбубул-қулуб” асарида тиб илми ва табиб образи талқинига алоҳида фасл бағишлаган. “Атиббо зикрида” деб номланган фасл сарлавҳаси остидаги дастлабки икки ихчам жумладаёқ табиблик касбининг туб моҳияти ва табиб шахсида кузатилиши зарур бўлганасосий хусусиятлар ёрқин, аниқ ифодасини топган: “Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолиға шафқат. Ва нафси тибга таъби мулойим ва ҳукамо қавлиға пайрав ва мулозим. Сўзида рифқу дилжўйлук ва ўзида озарму хушхўйлук” [Кўлөзма, 12 в.]. Ҳазрат Алишер Навоий талқинича, табиб, энг аввало, ўз соҳасини – тиб илминини мукамал билиши ва беморга чексиз меҳр назари, ачиниш, аяш кўзи билан қарай олиши зарур. Шунингдек, унинг табиати тиб илмига мувофиқ, мутаносиб бўлиши даркор. Яна улуғ мутафаккир бу соҳа мутахассислари олдиға қуйидаги талабларни қўяди: улуғ ҳақимлар сўзи ва кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш; соҳанинг ўзидан билимдонроқ, тажрибалироқ намояндалари ҳузурида хизмат мақомида туриш; ахлоқан пок, раҳмдил, кўнгил овловчи, кўнгилға тасалли берувчи, ҳаёли, меҳр-муҳаббатли, хушфеъл, хушқилиқли бўлиш... “Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолиға шафқат” жумласининг маъно қамрови ғоятда кенг. Ихчам жумлада бадий етуклик намунаси мусажжаъ “ҳазоқат” ва “шафқат” калималари воситасида ҳосил қилинган. Буюк адиб бадий матнда “ҳазоқат” сўзининг ҳар иккала маъносидан моҳирона фойдаланган: 1. Табиблик; 2. Моҳирлик; билимдонлик [Навоий асарлари луғати, 1972: 761]. Сажъ унсури “шафқат” калимаси “марҳамат” сўзи билан маъно ўзанида тенгдир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий пандномасининг айрим кўлөзма нусхаларида котиблар юқорида асардан келтирилган жумлани маънони кучайтириш

мақсадида “шафқат ва марҳамат керак” ифодаси билан яқунлаганлар. Худди шундай ҳолат “Маҳбубул-қулуб”нинг жорий имломиздаги нашрларида ҳам кузатилади. Улуғ мутафаккир асарларининг 20 жилдлик мукамал тўпламида ҳам “Атиббо зикрида”ги фаслдан келтирилган иқтибос “шафқат ва марҳамат керак” тарзида интиҳо топган [Навоий, 1998: 23]. Шарқда элга шафқат кўргизиш, мурувват тушунчалари жавонммардлик, футувват маслагининг маънодоши сифатида қўлланиб келинган. Рухий-ахлоқий етуклик тимсоли бўлган футувват аҳли тамаъ ва ғараздан мутлақо ҳоли бўлиб, энг оғир вазиятда ҳам иймон-эътиқодларида собит турганлар. Мазкур тариқат одоб-қоидалари, расм-русумлари, талаб-тамойиллари ҳақида махсус китоб ёзган Ҳазрат Алишер Навоий замонасининг машҳур олими Ҳусайн Воиз Кошифий футувватни ҳосилдор дарахтга ташбиҳ қилади. Улуғ аллома талқинича бу сермева дарахтнинг илдизи пок муҳаббат, танаси тавозуъ, шоҳлари сабру тоқат, япроқлари парҳез, пўслоғи одоб ва ҳаё, гуллари хушфёъллик ва марҳамат, меваси карам билан саховатдир [Кошифий, 1994: 12-13]. Кўнинадики, буюк Навоий шифокорда Ҳақнинг назари тушган футувват аҳлига хос олий фазилатлар мужассам бўлишини истаган.

Инсон ва инсонийликни, ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия ва ахлоқ мезонларини ҳамда ўз касбини юксак даражада эгаллаган ҳозик табибни улуғ Навоий Исо пайғамбарга тенглаштиради. Исо пайғамбар билан моҳир табиб ўртисидаги нисбат муносабат ҳам асарда чиройли асосланган. Зеро, Исои Рухуллоҳнинг мўъжизаси чиққан жонни ўз нафаси билан танга киритиш бўлса, ўткир табиб ўз муолажаси билан жисмдан чиқмоқчи бўлган жонни сақлаб қолади: “Ҳозик табибки шафқати бўлғай – Исои Рухуллоҳга нисбати бўлғай. Исо иши чиққон жонни танга кивурмак дуо била, мунунг иши тандин чиқадурғон жонга монеъ бўлмоқ даво била” [Кўлөзма, 12 в.]. Кўзи ва кўнгли тоза, қўли ва тили пок, меҳрли, ҳаёли, хушфёъл, моҳир табибнинг чехраси беморлар қалбига суюкли, ширин сўзи касаллар вужудига малҳамдир. Нафаси хасталарга шифо, ҳар бир босган қадами шифо истаганларга даводир: “Мундоқ табибнинг юзи мариз кўнглига маҳбубдур ва сўзи бемор жонига марғубдур. Дами алилларга даво ва қадами хасталарга шифо” [Навоий, 1999: 24].

Ривоятга кўра, Искандар ва Хизр зулмат қаъридан абадий тириклик сувини излашган. Ва уни топиш Хизр алайҳиссаломга насиб этган. Шунинг учун ҳам оғзаки ва ёзма адабий манбаларда Хизр доимий тирик юрган, одамларга ҳамиша ҳамдам, хайрли ишларга мададкор оқил йўлбошчи, эзгулик тимсоли сифатида талқин қилинади. Улуғ Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Хизр пири комил сари интилаётган Фарҳодга ғайбдан етган мададкор сифатида бадиий инкишоф этилган. У Фарҳодга поёнсиз водий билан Сукрот ҳаким яшайдиган тоғ оралиғидаги машаққатларни, мушкилотларни енгишда, тилсимотларни ечишда ёрдам беради, йўлбошчилик қилади. Ҳазрат Алишер Навоий комил табиб талқинида ҳам талмиҳ санъатини моҳирона қўллаб, ғоявий-бадиий мақсад ифодасида Хизр тимсолидан санъаткорона фойдаланган. Алишер Навоий талқинича, комил табиб сиймоси бемор учун нажоткор, халоскор Хизрдир, касални даволаш учун берадиган суюқ дориси эса Хизр алайҳиссалом зулмат қаъридан топган

ноёб тириклик сувига тенгдир: “Хизри нажот анинг талъати ва оби ҳаёт анинг шарбати” [Навоий, 1998: 24].

Бутун ҳаёти, ижодий ва амалий фаолиятида одам ва унинг тақдири, соғлом, эркин ва фаровон ҳаёти ҳақида қайғуриш руҳи етакчилик қилган Ҳазрат Алишер Навоий табиб агар қанчалик ўз соҳасининг моҳир билимдони бўлмасин, унда агар ўз касби одобига хос инсоний фазилатлар бўлмаса, у ҳеч қачон беморга рисоладагидек шифо етказа олмаслигини куюниб ёзади: “Агар фанида моҳир бўлса, аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй, маризга, агарчи бир жонибдин илож еткурур, аммо неча жонибдин тағйири миждоз еткурур” [Навоий, 1998: 24].

Алишер Навоий фикрича, бирор ишни кўр-кўрона бажариш қабихликдир. Ўз хатти-ҳаракатининг қабохат эканлигини англамасдан яна ўша фаолиятда давом этиш гумроҳлик, ярамас қилмишининг зарарли оқибатини тушуниб етишни истамаслик эса ундан бадтар разиллик ҳисобланади. Ана шу маънода улуғ мутафаккир ўз касбини мукамал эгалламаган, тирикчилик ўтказиш, обрўпарастлик, шухратпарастлик тақозоси билан бу нозик соҳага кириб қолган савияси паст табибни жаллод билан тенг кўради.

Алишер Навоийнинг барча асарларида халқчил ғоялар ғоятда кенг ишланган. Улуғ мутафаккирнинг халқ ҳаёти, мамлакат тақдири билан чуқур кизиққани, юрт истикболи учун қаттиқ курашганиҳар бир асаридан ёрқин, аниқ ва тиниқ назарга ташланиб туради. “Маҳбубул-қулуб”да Алишер Навоий замонасидаги барча касб эгалари ва ижтимоий тоифалар чуқур таҳлил қилинган. Ҳар бир касб соҳибига элга етказадиган фойда-зарарига қараб баҳо берилган. Асарнинг “Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти” деб номланган биринчи бўлими 40 фаслдан иборат бўлиб, унинг уч фаслида тасвир ва ташбиҳ учун жоҳил табиб асос бўлган [Ҳайитов, 2000: 59].

Ҳозирги даврда ҳуқуқ-тартибот органлари ўз мақсади-вазифасига кўра суд, прокуратура, ички ишлар ва х.к. тоифаларга бўлиниб фаолият кўрсатгани сингари Навоий яшаган XV асрда ҳам инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи шайхул-ислом, қози, муфти каби ижтимоий тоифалар бўлган. Улуғ мутафаккир “Муфтийи фақиҳлар зикрида” (13-фасл) қалам юритар экан, фосиқ, шафқатсиз, порахўр ҳуқуқшунос муфтини одам ўлдирувчи жоҳил табибга тенглаштиради: “Муфтиеки, хийла била фатво тузар, қалами нўғи била шариат юзин бузар. Музд учун сийм олибки, молига қотар – динини дунёға сотар. Мундоқ муфти одамийкуш табибдур, бирига ислом қатли, бирига мусулмонлар қатли насибдур” [Навоий, 1998: 22]. Ўз манфаатини кўзлаб, кишиларнинг мансабига, молу мулкига қараб муомала қиладиган муфти одамларнинг тенг ҳуқуқлик ҳақини поймол этади. Алишер Навоий талқинича, элнинг яхшию ёмон ишлари юзасидан фатво берувчи, ҳукм чиқарувчи муфтию қозиларнинг қалби қонун илми билан тўлиқ бўлиши зарур. Улар қаноатли, қонун йўлида қатъий ва барқарор турувчи бўлмоқлари шарт. Бою қанбағалга бир хил назар билан қарашлари, ўз вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари, иккиюзламачилик, шаръий хийлалар тўқиш иллатларидан холи бўлмоқлари даркор: “Майлдин кўнгли бекусур ва хийладин замири бефутур. Қалами ривоётқа содик, рақами мужтахид сўзи

била мувофиқ” [Навоий, 1998: 22].13-фаслда табиати юқорида келтирилган иллатлардан холи бўлмаган ҳуқуқшунос муфти “одамийкуш табиб”га тенглаштирилади. Чунки улардан бири муқаддас ислом динининг қонун-қоидаларини поймол этади, бири эса одамларнинг азиз умрига зомин бўлади.

“Атиббо зикрида”ги 15-фаслда эса жоҳил табиб жаллод шогирдига қиёс қилиниб, ҳукм бўйича гуноҳкорларни ўлдирувчи жаллод саводсиз табибдан устун қўйилади. Чунки савияси паст табиб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлади: “Ва лекин омий табибким, эрур шогирди жаллод, ул тиф била, бу заҳр била қилғучи бедод. Ул мундин яхшироқдур, беиштибоҳким, анинг қатли гунаҳқордир ва мунунг – бегунаҳки, ҳеч гунаҳқор анга залил бўлмасун ва ҳеч бегунаҳ мунга алил бўлмасун” [Навоий, 1998: 24].

“Вузуро зикрида”ги 5-фаслда эл меҳнатини елга совуриб, мамлакатни хароб қилувчи вазир саводсизлиги туфайли беморларни ноҳақ ўлдирувчи табибга ўхшатилади ва бу икки ижтимоий тоифадан (золим вазир ва жоҳил табиб) жаллод афзалроқ эканлиги уқтирилади: “Бу золимлар – мулкни барбод бергувчилардур ва мулк аҳли йиғиштурғонларин битиргувчилардур... Заҳр бериб бемор ўлтургувчи табиб, буларнинг ҳолига мушобехдур ва қариб” [Навоий, 1998: 16].

Сиртдан қараганда, назардан ўтказилган ҳаёт лавҳаларида фақат касб масъулияти, касб одоби хусусида жиддий мулоҳаза юритилгандек кўринади. Аслида эса жоҳил табиб танқиди воситасида инсоннинг яшаш қуқукига асосий эътибор тортилган. Жоҳил табиб беморнинг ҳаётига хавф солади ҳамда унинг яшаш ҳуқуқини поймол этади. Ҳолбуки, шифокорнинг вазифаси инсоннинг ҳаётини кўриқлаб, униасраб қолишдир, демокчи улуғ адиб. Айни ҳақиқат 15-фаслда талмеҳу ташбиҳ санъатлари кўзгусида ғоят тиниқ акс этган [Навоий, 1998: 24].

Қалби инсоф гавҳаридан мосуво вазир мулку мамлакатни барбод қилади. Мулк ва мамлакат эса халқникидир. Демак, у жоҳилона хатти-ҳаракати билан миллионлаб жафоқашнинг мулкчилик ҳуқуқини поймол этади. Шу боис адолатли ва кучли ижтимоий сиёсат юргиза олмайдиган вазирнинг юзига салтанат дарвозасини ёпмоқ зарур. Алишер Навоийнинг эл мулкани ва мулкчилик ҳуқуқини яқсон этадиган, халққа иқтисодий зарар етказадиган амалдорга ҳамда инсоннинг яшаш ҳуқуқини поймол этадиган саводсиз табибга нисбатан қаҳри бениҳоя қаттиқ. Бадий ифода, ташбиҳу тамсиллар ҳам ижодкор руҳиятининг айни вазиятдаги мантиғидан келиб чиқади: “Бу икки хайлдин (ноинсоф вазир ва жоҳил табиб) ҳар бири бир афъи (илондир), шоҳга вожибдур буларнинг дафъи. Булар, жумласи чиёнлар, халойиққа еткурур зиёнлар. Қилқлари нўғи (қаламининг учи) ақраб (чиён) ниши, раият жониға ул ниш ташвиши. Неча бу ниш мазлумларға санчилғай, умид улки, бошлари ажал тоши била янчилғай” [Навоий, 1998: 16].

Юқоридаги ташбиҳу қиёсу тасвиру талқинлардан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, Ҳазрат Алишер Навоий шифокорлик касбини ноҳоятда улуғлаганлар ва шу билан бирга ҳар бир касб соҳибини ўз нонини ҳалоллаб ейишга даъват этганлар.

Адабиётлар:

1. محبوب القلوب علي شير النوائي. Бухоро санъат музейи хазинасидаги 27780-рақамли кўлёзма. – 121 в.
2. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 304.
3. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 236.
4. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 784.
5. Ҳайитов Ш. Алишер Навоийнинг кўнгил гулшани. – Бухоро: Бухоро давлат университети нашриёти, 2000. – Б. 166.
6. Ҳусайн Воиз Кошифий Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 112.

THE IMPORTANCE OF METAPHORS USAGE IN MEDICAL DISCOURSE.

Haydarova Nodirabegim Ahtamjon qizi*
10.5281/zenodo.5685745

Annotation: This article discusses the general concept of medical discourse and the importance of using metaphors effectively in this process.

Keywords: *medical language, medical discourse, cognitive metaphor, anthropocentrism, pragma linguistics*

Medical discourse is the sphere of professional and communicative interaction between medical workers and a sick person. There is a growing interest in medical discourse in the modern world. The number of medical publications, websites and forums filled with medical terminology and concepts is increasing. Patients interested in their own health are more likely to turn to various sources for help, where they try to find answers to pressing questions. They do not always understand a specific medical text, while patients do not always trust the doctor, more often this happens due to a misunderstanding of each other.

Communication between a doctor and a patient requires a special approach and speech technological methods that deliberately affect a person for therapeutic purposes. Therefore, I would like to dwell on the features of medical discourse. Medical discourse, both written and verbal, has its own characteristics.

- First, a medical discourse is a medical text, more often a specialized medical publication that talks about a disease, its diagnosis, treatment, prevention, etc.

medical literature is subdivided into popular science (for those not versed in medicine, scientific (for specialists in the field of medicine). Popular science medicine is readily read by a wide range of readers, of various ages and professions.

* Lecturer of translation studies and language education department Bukhara state university

МУНДАРИЖА

| Rasmiy ochilish. Tabriklar | | |
|---|---|-----------|
| <i>Hamidov O.H.</i> | <i>Rasmiy ochilish</i> | 6 |
| <i>Inoyatov A.Sh.</i> | <i>Tibbiyot va til mushtarakligi</i> | 8 |
| <i>Daminov M.I.</i> | <i>Til va madaniyat</i> | 9 |
| <i>Qahhorov O.S.</i> | <i>Davlat tili - millatning tirik nafas</i> | 10 |
| <i>Xuseynova A.A.</i> | <i>Soha lingvistikasini rivojlantirish – davr talabi</i> | 11 |
| <i>Aslonova E.S.</i> | <i>Государственный язык – неотъемлемая часть духовной национальной культуры государства</i> | 12 |
| Yalpi majlis ma’ruzalari | | |
| <i>Mengliyev B.R.</i> | <i>Tilshunoslik samara bersin.</i> | 15 |
| <i>Abuzalova M.Q.</i> | <i>Lingvistika va tibbiyot hamkorligi ijtimoiy zarurat sifatida</i> | 17 |
| <i>Чудакова В.П.</i> | <i>Психология пациента и этика врача</i> | 22 |
| <i>Ixtiyarova G.A.</i> | <i>Ginekologik kasallikni ifodalovchi tibbiy terminlar talqini</i> | 25 |
| <i>Мўратбек В.Қ.</i> | <i>Professor Q.Жўбанов уеңбектериндеги сөзтаңым негиздері (Q.Жўбанов сөзтаңымындаг ‘ы лексикология мәселелері)</i> | 27 |
| <i>Adilova S.A.</i> | <i>Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida)</i> | 36 |
| <i>Rajabov D.Z.</i> | <i>O‘zbek tilini tadqiq etishda yangicha yondashuvlar</i> | 40 |
| 1-sho‘ba. Tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g‘oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari | | |
| <i>Ahmedov B.Y.</i> | <i>Rus va o‘zbek tillarida so‘zlarning o‘zaro tobe bog‘lanishi: boshqaruv kategoriyasi</i> | 42 |
| <i>Akhmedov A.R. Po‘latova S.M.</i> | <i>O‘zbek shevalarini lingvo-geografik xaritalashtirish</i> | 46 |
| <i>Adizova N.I.</i> | <i>Leksik birliklarning milliy o‘zlik ruhini ifodalashdagi roli (Erkin Vohidov dostonlari asosida)</i> | 50 |
| <i>Elova D.Q.</i> | <i>O‘zbek tili milliy korpusi uchun so‘zlashuv uslubiga xos so‘zlarni teglash masalasig oid</i> | 55 |
| <i>Fayazova D.S.</i> | <i>Methodological approach in teaching process</i> | 61 |
| <i>Fayazova D.S. Shirinboyeva B.M.</i> | <i>Empowering languageskills through modern methods</i> | 65 |
| <i>Jo‘rayeva D.R. Qo‘shayeva N.E.</i> | <i>O‘quvchilar va aholi imloviy savodxonligini rivojlantirishning dolzarb masalalari</i> | 68 |
| <i>Kurbonov A.M.</i> | <i>Tasks of effective use of the uzbek language</i> | 71 |
| <i>Mengliyev B.R. Hamroyeva Sh.M. Elova D.Q.</i> | <i>Qirg‘iz va yoqut tili avtomatik morfoligik tahlil vositalari tajribasidan</i> | 75 |
| <i>Muxtorov E.M.</i> | <i>Vrach kasbiy mahorati tuzilmasida kommunikativ kompetentlikning o‘rni</i> | 79 |
| <i>Мўратбек Б.Қ. Саламат Э.С.</i> | <i>Этнолингвистика – этностық болмысты ұлттық тіл арқылы таңым білу(Аймақтық лексика негизінде). Ethnolinguistics- knowledge of ethnic identity through the national language (based on regional vocabulary).</i> | 84 |
| <i>Orifjonova F. Orifjonova M.</i> | <i>Critically discussing student teachers' ideas</i> | 88 |

| | | |
|--|---|------------|
| <i>Ortiqova G. H.</i> | <i>Harakat tarzi shakllari va nutq</i> | 93 |
| <i>Saduaqas N.A.</i> <i>Ibragimov T.A.</i> | <i>Qazaq tilindegi dybyys saykestigi turaly</i> | 97 |
| <i>Sayfullayeva R.R.</i> <i>Abuzalova M.Q.</i> | <i>Til – millat ma'naviyati va madaniyati takomilining bosh masalasi</i> | 102 |
| <i>Tosheva D.A.</i> | <i>The use of examples of folklore in the description of the person</i> | 104 |
| <i>To'yeva Z.N.</i> | <i>Bayon –o'quvchining yozma nutqini tartibga solish vositasi</i> | 111 |
| <i>Salomova M.Z.</i> | <i>The role of teaching speaking through technology</i> | 116 |
| <i>Shoimqulova M.Sh.</i> | <i>The integration of technology into language teaching</i> | 121 |
| <i>Sharipova F. N.</i> | <i>Integrating technology in teaching listening skills</i> | 125 |
| 2-sho'ba. O'zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat sifatida | | |
| <i>Nazarova S. A.</i> | <i>So'z birikmasi – tibbiy atamalar “bunyodkori”</i> | 131 |
| <i>Nazarova D.G.</i> | <i>Lexicographic problems of the uzbek language</i> | 136 |
| <i>Rajabov D.Z.</i> | <i>Tibbiy birliklarning elektron lug'atlari xususida</i> | 139 |
| <i>Sobirova D.R.</i> | <i>Qisqalik – samarali tibbiy reklama yaratishning muhim omili</i> | 141 |
| <i>Toirov G.I.</i> | <i>Shifokor nutqining lingvistik xususiyatlari</i> | 146 |
| <i>To'rayeva Sh.</i> | <i>So'z birikmasi tibbiy terminlar tizimida</i> | 150 |
| <i>Xamidova G.Y.</i> | <i>Особенности преподавания медицинской терминологии на уроках русского языка как иностранного</i> | 153 |
| <i>Xojiyeva M. Y.</i> | <i>Shaxsni tavsiflovchi so'z birikmalarining tibbiyotda qo'llanilishi</i> | 157 |
| <i>Yokubova Sh. Y.</i> | <i>Tibbiy matnlarda obyektli birikmalarning voqelanishi</i> | 161 |
| <i>Yuldasheva D.N.</i> <i>Chullieva G.T.</i> | <i>Тонина и тон звука как медицинский эфемизм</i> | 164 |
| <i>Navro'zova M.G'.</i> | <i>Tibbiy birliklar tadqiqi</i> | 172 |
| 3-sho'ba. Tibbiyot ta'limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi | | |
| <i>Ahmadova U.Sh.</i> <i>Bozorova G.Z.</i> <i>Mirjonov N.N.</i> | <i>Tibbiyot sohasida perifrazarlar</i> | 174 |
| <i>Абдуллина А.Б.</i> | <i>Мұқағали Мақатаев әңгімелеріндегі психологизм</i> <i>Psychologism in the stories of mukagali Makatayev</i> | 179 |
| <i>Adizova Nigora</i> <i>Adizova Nodira</i> | <i>Alisher Navoiyning tibbiy qarashlari</i> | 182 |
| <i>Gafurova N.T.</i> <i>Hikmatov N.I.</i> | <i>Значение языка в развитии высшего образования</i> | 185 |
| <i>G'aybullayeva N.I.</i> | <i>Tibbiy lingvistik birliklar platformasining amaliy ahamiyati</i> | 190 |
| <i>Hayitov Sh.A.</i> | <i>Alisher Navoiy tib ilmi va tabiqlar haqida</i> | 195 |
| <i>Haydarova N.A.</i> | <i>The importance of metaphors usage in medical discourse</i> | 200 |
| <i>Jumayeva M.</i> | <i>O'zbek xalq maqollarida tibbiy birliklarning qo'llanilishi</i> | 204 |
| <i>Kobilova F.T.</i> | <i>The problems of research on methods of foreign filology teaching with innovative approach</i> | 207 |
| <i>Raximov M. M.</i> | <i>Linguotherapy as the method of treatment</i> | 211 |
| <i>Xalikova M.X.</i> <i>Teshayeva M.Sh.</i> | <i>Shoshiyning tibbiyot ilmiga bag'ishlangan “qonuni bositiy” asarida mavjud ayrim tibbiy atamalarning lingvistik tahlili</i> | 214 |
| <i>Niyozova M.F.</i> | <i>Davriy nashrlarda tibbiyotga oid tasviriy vositalarning</i> | 218 |

| | | |
|---|---|------------|
| | <i>qo'llanilishi</i> | |
| 4-sho'ba. Tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi | | |
| <i>Yusupova D.Y.</i> | <i>Tilshunoslikda evfemizm hodisasi talqini (H.Xudoyberdiyeva she'rlari asosida)</i> | 222 |
| <i>Қалиев Е.М.</i> | <i>«Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"</i> | 228 |
| <i>Yuldasheva M.M.</i> | <i>Tibbiy pedagogik yo'nalish talabalarida milliy an'analar asosida bag'rikenglikni rivojlantirish</i> | 232 |
| 5-sho'ba. Amaliy filologiyani rivojlantirish - davr talabi | | |
| <i>Ashurbayeva R.Q.</i> | <i>Yosh avlodda tibbiy madaniyatni rivojlantirishda ona tili fanining ahamiyati</i> | 237 |
| <i>Istamova S. I.</i> | <i>Taqlid so'zlarning tibbiyotda qo'llanilishi</i> | 241 |
| <i>Qobilova A.B.</i> | <i>O'zbek va ingliz tili tibbiy perifrazarining kognitiv-morfologik xususiyatlari</i> | 245 |
| <i>Toshtemirova S.</i> | <i>Tibbiyot lingvistikasi: vujudga kelishi, dolzarbligi, maqsad va vazifalari</i> | 248 |